

“КОРРУПЦИЯ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МУҚАРРАР”

“Сувхўжаликназорат” инспекцияси томонидан тасдиқланган режа-графикка асосан Инспекциянинг ҳудудий бошқармаларида коррупцияга қарши курашиш ва унга тоқатсиз муҳитни яратиш мақсадида семинар-тренинглар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.



Хусусан, жорий йилнинг 13 март куни Инспекциянинг **Жиззах вилоят** ҳудудий бошқармасида **“Коррупция учун жавобгарлик муқаррар”** мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.



Семинарда Инспекциянинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул ходими А.Рахимов, Жиззах вилоят прокуратураси бўлим прокурори Р.Пирназаров, вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Ш.Жўраев, Сувхўжалиги тизим ташкилотларининг раҳбар ва ходимлари иштирок этди.



Семинар-тренинг жараёнида коррупциявий ҳолатлар содир этганлик учун **жавобгарлик муқаррарлиги**, коррупциявий ҳолатларни олдини олиш учун келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилиниши таъминланди.

“Сувхўжаликназорат” инспекцияси
ахборот хизмати